



БАНКЛАРДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙУЛЛАРИ

Мухаммедова С.

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети, "Банк ҳисоби ва аудити"
кафедраси ассистент ўқитувчиси*

Annotatsiya: Ushbu maqolada bank tizimida muammoli kreditlarning yuzaga kelish sabablari va ularni kamaytirishning samarali usullari tahlil qilinadi. Tadqiqot jarayonida kreditlash siyosatini takomillashtirish, qarz oluvchilarning to'lov qobiliyatini baholash, risklarni boshqarish mexanizmlarini kuchaytirish hamda muammoli kreditlar bilan ishlashda zamonaviy yondashuvlardan foydalanish masalalari ko'rib chiqiladi. Shuningdek, banklar faoliyatida moliyaviy barqarorlikni ta'minlash va kredit portfeli sifatini yaxshilash bo'yicha takliflar beriladi.

Kalit so'zlar: muammoli kreditlar, bank tizimi, kredit portfeli, risklarni boshqarish, to'lov qobiliyati, moliyaviy barqarorlik.

Аннотация: В данной статье рассматриваются причины возникновения проблемных кредитов в банковской системе и пути их сокращения. В процессе исследования анализируются вопросы совершенствования кредитной политики, оценки платежеспособности заемщиков, усиления механизмов управления рисками и применения современных подходов к работе с проблемными активами. Также представлены предложения по обеспечению финансовой устойчивости банков и повышению качества кредитного портфеля.

Ключевые слова: проблемные кредиты, банковская система, кредитный портфель, управление рисками, платежеспособность, финансовая устойчивость.

Abstract: This article analyzes the causes of non-performing loans in the banking system and explores effective ways to reduce them. The study examines the improvement of credit policy, assessment of borrowers' creditworthiness, strengthening risk management mechanisms, and the use of modern approaches in managing non-performing assets. In addition, recommendations are provided to ensure financial stability of banks and to improve the quality of loan portfolios.

Keywords: non-performing loans, banking system, loan portfolio, risk management, creditworthiness, financial stability.

Кириш

Ҳозирги вақтда тижорат банклари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири кредит портфели сифатини таъминлаш ва муаммоли кредитлар улушини кескин камайтириш ҳисобланади. Муаммоли кредитлар ҳажмининг ошиб бориши банк ликвидлигига, молиявий барқарорлигига, фоизли даромадлар ўсишига ва энг муҳими, иқтисодиётда инвестиция жараёнларининг узлуксизлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан, муаммоли кредитларнинг олдини олиш ва уларни самарали бошқариш





tizimini такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи сифатида намоён бўлмоқда.

Муаммоли кредитларни камайтириш масаласи банк тизimini ривожлантириш бўйича давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизimini ислох қилиш стратегияси" ПФ–5992-сон Фармонида тижорат банклари кредит портфели сифатини ошириш, кредит таваккалчиликларини самарали бошқариш, муаммоли кредитлар улушини босқичма-босқич камайтириш ҳамда кредит ташкилотлари фаолиятида шаффофликни таъминлаш асосий вазифалар сифатида белгиланган. Ушбу фармон банклар учун тўғридан-тўғри йўл харитаси бўлиб, уларнинг кредит сиёсатида стратегик мақсад ва устувор йўналишларни белгилаб берди.

Шу билан бирга, банк тизимида рақамли трансформация жараёнларини кучайтириш ҳам муаммоли кредитларни камайтиришда ҳал қилувчи омил сифатида қаралмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрьдаги "Банклар фаолиятида рақамли трансформация ва корпоратив бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ–6079-сон Фармони алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу фармонда банкларда рақамли технологияларни жорий этиш, онлайн скоринг тизимларидан фойдаланиш, кредитлар бўйича автоматлаштирилган мониторинг платформаларини шакллантириш ва шу орқали қарздорларнинг молиявий ҳолатини тезкор баҳолаш механизмларини ривожлантириш вазифаси белгиланган.

Тижорат банклари кредит портфели таркибида 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига муаммоли кредитлар қолдиғи 21,2 трлн. Сўмни ташкил этиб, жами кредит қўйилмаларидаги улуши 4 фоизни ташкил этган.

Муаммоли кредитларни камайтириш масаласи жаҳон молия тизимидаги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Европа марказий банкининг махсус кўрсатмаларида таъкидланганидек, муаммоли кредитлар (NPL) улушининг юқорилиги банклар молиявий ҳолатини заифлаштиради, капитал етарлилигини пасайтиради ва кредит ресурсларини янгидан тақсимлаш имкониятини чеклайди (European Central Bank, 2017). Бу ҳолат Ўзбекистондаги тижорат банклари, жумладан АТ "Ҳамкорбанк" учун ҳам долзарбдир, чунки иқтисодиётда кредитлар иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий манба ҳисобланади.

Bank for International Settlements (2017) ҳисоботида муаммоли кредитларни камайтиришда реструктуризация, активларни сотиб олиш жамғармалари, қайта молиялаштириш каби усуллар муҳим экани таъкидланади. OECD (2021) эса пандемиядан кейинги даврда NPLларни ҳал қилиш учун ички ва ташқи стратегияларни мослаштириш зарурлигини кўрсатган. Бу тажрибалар банк тизимида ҳам қўлланилиши мумкин бўлиб, АТ "Ҳамкорбанк"да муаммоли кредитларни камайтиришда амалий аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, рақамли технологиялар ва FinTech ечимлари муаммоли кредитлар хавфини эрта босқичда аниқлаш ва мониторинг қилишда муҳим





роль ўйнайди. Шу билан бирга, халқаро банк амалиётида кредит риск мониторинги реал вақтда ишловчи тизимларга асосланмоқда (Magistral Consulting, 2025).

Жаҳон банкининг махсус таҳлилларида эса муаммоли кредитлар муаммоси фақат банк ички бошқаруви билан чекланмасдан, балки солиқ сиёсати, суд-ҳуқуқ тизими, активларни сотиш механизмлари ва капитал бозорларининг ривожланиши билан ҳам узвий боғлиқ экани қайд этилган (World Bank, 2019). Демак, АТ "Ҳамкорбанк" мисолида олиб бориладиган тадқиқот нафақат ички менежмент механизмларини, балки иқтисодий муҳит ва глобал тажрибаларни ўзаро таққослаб ўрганишни талаб этади.

Тижорат банкларининг кредит операциялари банкнинг асосий даромад манбааларидан биридир. Бироқ бу операциянинг рисклилиқ даражаси анча юқоридир. Таваккалчилик даражасини камайтириш учун, тижорат банкларида юзага келаётган муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими тадбиқ этилган. Муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими қонунчилик тизимидаги ва марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ҳозирги кунда банкларда кредит асосий муаммолар сифатида қўйидагиларни келтириб ўтамыз:

1. Муаммоли кредитларнинг юқори улуши – айрим тижорат банкларида, кредит портфелида муаммоли кредитлар салмоғи юқорилиги молиявий барқарорликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

2. Кредит беришда таваккалчиликларни баҳолашнинг самарасизлиги – мижозларнинг молиявий ҳолати ва қарзни қайтариш қобилиятини аниқ баҳолаш тизимида камчиликлар мавжуд.

3. Гаров таъминотининг ликвид эмаслиги – кўп ҳолларда кредитлар гаров билан таъминланса-да, уларни реализация қилиш мураккаб бўлиб, кредитни қайтариш кафолати паст бўлиб қолмоқда.

4. Ички назорат ва ички аудит тизимининг етарлича самарадор эмаслиги – муаммоли кредитларни эрта аниқлаш ва уларни олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирлар тўлиқ ишламаяпти.

5. Рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги – онлайн скоринг, Big Data ва сунъий интеллект каби замонавий технологиялар банк амалиётида тўлиқ қўлланилмаяпти.

6. Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базадаги камчиликлар – муаммоли кредитларни ҳисобга олиш, реструктуризация ва сотиш тартибларида айрим ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд.

7. Макроиқтисодий хавф-хатарлар таъсири – инфляция, валюта курсининг ўзгариши, ташқи иқтисодий омиллар қарздорларнинг қарз қайтариш имкониятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

8. Кадрлар малакасининг етарлича эмаслиги – кредит рискларини баҳолайдиган ва муаммоли кредитлар билан ишлайдиган мутахассислар замонавий билим ва кўникмаларга тўлиқ эга эмас.

9. Муаммоли кредитларни бартараф этиш механизмларининг чегараланганлиги – реструктуризация ва қайта молиялаштиришдан ташқари





самарали усуллар амалиётда кам қўлланилмоқда.

10. Халқаро тажрибадан тўлиқ фойдаланилмаётгани – ЕИ, Жаҳон банки ва Базель қўмитаси тавсияларини банк амалиётига мослаштириш даражаси паст.

Муаммоли кредитлар (non-performing loans – NPLs) тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири сифатида қўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан кенг ўрганилган. Назарий манбаларда, энг аввало, муаммоли кредитларнинг моҳияти, уларнинг вужудга келиш сабаблари ва иқтисодий оқибатлари турли ёндашувлар асосида талқин қилинади.

Кредит иқтисодий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири сифатида хўжалик фаолиятининг барча соҳаларида алоҳида ўрин эгаллайди. У ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга рағбат беради, илмий-техникавий асосда қайта ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур бўлган капитал маблағлар манбаларини тезлаштириб шакллантиради. Шу боисдан ҳам кредитсиз иқтисодиётдаги ҳамда халқаро миқёсдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти самарали ва замонавий тарзда ташкил этилиши мумкин эмас.

Шу нуқтаи назардан, “тижорат банклари кредит портфели” тушунчаси сўнгги йилларда иқтисодий адабиётларда ва амалий банкчиликда асосий категориялардан бири сифатида шаклланди. Унинг оммалашуви ва кенг қўлланилишига асосий сабаб – кредит портфели тижорат банкларининг кредит фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган комплекс кўрсаткич ҳисобланишидир. Аслида кредит портфели банкнинг фақатгина кредит бериш имкониятларини эмас, балки кредит сиёсатининг самарадорлиги, кредит рискларини бошқариш даражаси ва кредит фаолиятдан олинадиган даромад манбалари ҳолатини ҳам ифода этади.

Бироқ, кредит портфелининг моҳияти ва унинг иқтисодий мазмуни ҳақида олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Турли илмий мактаб ва муаллифлар бу масалага турлича ёндашадилар. Масалан, америкалик иқтисодчилар Крис Ж. Барлтон ва Диана Мак Нотоннинг (1997) таърифларида кредит портфели асосан кредитларни туркумлаш тизими сифатида қаралади. Бошқа тадқиқотчилар эса кредит портфелини банкнинг барча актив операцияларининг йиғиндиси сифатида талқин қиладилар. Бу эса шундан далолат бермоқдаки, кредит портфели назарияси ҳали ҳам ривожланиш жараёнида бўлиб, унинг турли жиҳатлари бўйича илмий мунозаралар давом этмоқда.

Шу билан бирга, замонавий тадқиқотларда кредит портфелига фақат банк активларининг йиғиндиси ёки кредитларнинг туркумланиши сифатида эмас, балки банкнинг умумий молиявий барқарорлиги ва рискларини бошқариш тизимининг муҳим элементи сифатида ёндашиш тенденцияси кучаймоқда. Чунки кредит портфелининг тузилиши, сифати ва диверсификация даражаси банкнинг ликвидлигига, капитал етарлилигига ва кредит таваккалчиликларини камайтиришга бевосита таъсир кўрсатади.





К.Ж. Барлтон ва Д. Мак Нотон томонидан берилган таъриф, аслида, банк кредит портфелининг тўлиқ мазмунини эмас, балки унинг айрим жиҳатларинигина қамраб олади. Уларнинг қарашида кредит портфели асосан кредитларни муайян белгиларга кўра гуруҳлаш ва туркумлаш тизими сифатида талқин қилинади.

Худди шундай ёндашувни айрим рус иқтисодчилари ҳам қўллайдилар. Улар ҳам тижорат банкларининг кредит портфелини фақатгина "кредитларни маълум мезонлар асосида туркумлаш" билан изоҳлайдилар. Бу эса кредит портфели тушунчасини чекланган ҳолда талқин қилишга олиб келади. Аслида эса, кредит портфели нафақат кредитларнинг таснифланиши, балки уларнинг сифат таркиби, риск даражаси, диверсификация ҳолати ва банкнинг молиявий барқарорлигига таъсирини ҳам қамраб олади.

Тижорат банклари кредит портфели тушунчаси назарий жиҳатдан турли талқинларга эга бўлса-да, унинг амалиётдаги аҳамияти бирдек: у банкнинг кредит сиёсатини белгилайди, кредит рискларини бошқариш имкониятларини очиб беради ва молиявий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи кўрсаткич сифатида намоён бўлади.

Лаврушин О.И., Абалкин Л.И., Панова Г.С. (2015) ҳамда бошқа бир қатор иқтисодчиларнинг фикрича, тижорат банкларининг кредит портфели - бу банк томонидан берилган кредитларнинг сифати ва таркибига кўра тизимли равишда туркумланишидир. Улар таъкидлаганидек, кредит портфели тўғри шакллантирилмаса, банк фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш мушкул. Чунки кредит бериш жараёнида қарздорнинг тўлов қобилиятини баҳолаш, кредитнинг ўз вақтида қайтарилиши, рискларни ҳисобга олиш ва уларни бошқариш, ссудалар бўйича заҳиралар ташкил этиш, муддати ўтган ёки реструктуризация қилинган қарзларни назорат қилиш банк молиявий барқарорлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Илмий манбаларда қайд этилишича, кредит портфели - бу маълум вақт кесимида банк балансида акс этувчи барча кредит активлари қолдиқларининг йиғиндиси ҳисобланади. Унинг таркиби банкнинг кредит сиёсати, мижозлар таркиби ва иқтисодиёт тармоқларига йўналтириладиган маблағлар устуворлигига қараб шаклланади.

Амалда тижорат банклари томонидан берилган барча кредитлар уларнинг кредит портфелида ўз аксини топади. Шу нуқтаи назардан, банк кредитлари турли мезонлар асосида туркумланади:

- *Қарз олувчилар гуруҳлари бўйича:* хўжалик субъектларига, аҳолига, ҳукумат ва давлат ташкилотларига берилган кредитлар;
- *Йўналиши бўйича:* истеъмол, саноат, савдо, қишлоқ хўжалиги, инвестиция ва бюджет кредитлари;
- *Фойдаланиш муддатига кўра:* қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар;
- *Миқдори бўйича:* йирик, ўрта ва майда кредитлар;
- *Таъминланганлик даражасига кўра:* таъминланган ва таъминланмаган (ишончли) кредитлар.





Шунингдек, таъминланган кредитлар ўз навбатида таъминланиш характериға кўра гаровли, кафолатланган ва суғурталанган турларға бўлинади.

Кредитлар мақсадли йўналишиға қараб ҳам фарқланади: ипотека кредитлари, молиявий ташкилотларға ажратилган қарзлар, қишлоқ хўжалиғи учун берилган ссудалар, савдо ва саноат корхоналарига ажратилган қарзлар, жисмоний шахсларға йўналтирилган кредитлар, лизинг молиялаштириш кабилар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, банк қайси тармоққа кўпроқ эътибор қаратса, кредит портфели таркибида ҳам ана шу йўналиш устун бўлади. Масалан, аграр секторни молиялаштиришға йўналтирилган банкларда қишлоқ хўжалиғи кредитлари салмоғи юқори, аҳоли эҳтиёжларига хизмат қилувчи банкларда эса истеъмол ва ипотека кредитлари улуши катта бўлади. Демак, кредит портфелининг шаклланиши бевосита банкнинг кредит сиёсати ва устувор йўналишлари билан белгиланади.

Шу тарзда, кредит портфели тижорат банкларининг молиявий фаолиятида нафақат кредитларнинг йиғиндиси сифатида, балки рискларни бошқариш, ликвидликни таъминлаш ва банкнинг стратегик ривожланишини белгилайдиган муҳим омил сифатида ҳам намоён бўлади.

Банкнинг актив операциялари таркибида кредит операциялари марказий ўрин эгаллайди. Банк даромадининг асосий қисми айнан кредитлар орқали шаклланиши эса ушбу операцияларнинг стратегик аҳамиятини янада оширади. Шу боисдан, кредит портфелининг қандай тарзда шаклланиши ва унинг сифати тўғридан-тўғри банкнинг молиявий барқарорлиғи, даромаддорлиғи ва бозордаги рақобатбардошлиғига таъсир кўрсатади. Агар банк барқарор ва сифатли кредит портфелиға эға бўлишни мақсад қилса, у ҳолда кредитлаш жараёнини чуқур таҳлилға асосланган ҳолда тўғри ташкил этиши зарур.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тижорат банклари ўз кредит сиёсатини белгилашда кредит портфелининг тузилиши ва сифат кўрсаткичларига катта эътибор қаратади. Чунки кредит портфели фақат банкнинг фаолиятидаги кредит операцияларининг йиғиндиси эмас, балки рискларни бошқариш даражаси, ликвидлик ҳолати ва капитал етарлилиғини ҳам намоён этади. Демак, кредит портфелининг тўғри ташкил этилиши ва мақсадли бошқарилиши банкнинг самарали фаолият юритаётганлиғини кўрсатувчи муҳим мезон ҳисобланади.

Илмий адабиётларда ҳам бу масалаға турли ёндашувлар мавжуд. Айрим олимлар кредит портфелини банкнинг кредит ресурсларини диверсификация қилиш даражаси билан боғласалар, бошқалар уни кредит рискларини олдиндан аниқлаш ва камайтириш механизми сифатида кўрадилар. Шу маънода, сифатли кредит портфели тижорат банклари учун молиявий барқарорликни таъминловчи, қарздорлар билан муносабатларни самарали йўлга қўювчи ва энг муҳими, даромад манбалари барқарорлиғини таъминлайдиган асосий омил сифатида хизмат қилади.

Шу билан бирға, сифатли кредит портфелиға эға бўлиш учун банклар





кредитлаш жараёнида илғор хорижий тажрибаларни ҳам қўллашлари зарур. Масалан, Европа ва АҚШ банкларида кредит портфелини бошқаришда рақамли технологиялар, онлайн скоринг тизимлари, “early warning” механизмлари кенг татбиқ этилмоқда. Ушбу тажрибаларни банк тизимида жорий этиш Ўзбекистон тижорат банклари, жумладан Ҳамкорбанк учун ҳам кредит портфели сифатини оширишда муҳим қадам бўлади.

Кредит портфелининг тўғри шакллантирилиши ва ундан самарали фойдаланиш банк фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бу орқали банк нафақат молиявий барқарорликка, балки узоқ муддатли ривожланиш ва бозордаги рақобатбардошликка эришади.

Банкнинг актив операциялари тизимида кредит операциялари марказий ўринни эгаллайди. Чунки банкнинг асосий даромад манбалари айнан шу кредитлар орқали шаклланади. Шунинг учун ҳам кредит портфелининг қандай тарзда шаклланиши, унинг таркиби ва сифати банк фаолияти самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Агар банк барқарор ва юқори сифатли кредит портфелига эга бўлишни мақсад қилса, у ҳолда кредитлаш жараёнини тўғри ташкил этиш ва самарали бошқариш зарур бўлади.

Бугунги кунда кредит портфелига мунтазам мониторинг ўтказиш банк амалиётида муҳим аҳамиятга эга. Чунки мониторинг орқали банк ўз кредит портфелининг ҳолатини баҳолаш, кредит ресурсларининг жойлаштирилиши ва улардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади. Мониторинг, шу билан бирга, кредит рискларини олдиндан аниқлаш, муаммоли кредитларни эрта босқичда белгилаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Илмий нуқтаи назардан, банк кредит портфели мониторинги – бу кредит ресурсларини рационал тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган услублар, билимлар ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуасидир. Унинг асосий вазифаси – ажратилган кредитлар бўйича асосий қарз суммалари ҳамда уларнинг фоиз тўловларини ўз вақтида қайтарилишини таъминлашдир. Шу орқали банк ўз даромад базасини мустаҳкамлайди, ликвидлигини таъминлайди ва кредит рискларини минимал даражага туширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатлар амалиётида кредит портфели мониторинги банк молиявий менежментининг ажралмас қисми сифатида қаралади. У фақат статистик кўрсаткичларни таҳлил қилиш билан чекланиб қолмай, балки кредит портфели таркибини диверсификация қилиш, секторлар бўйича таваккалчиликларни баҳолаш ва рақамли технологиялар орқали real-time кузатувни амалга оширишни ҳам ўз ичига олади.

Ҳозирги шароитда банк кредитлари иқтисодиётни молиялаштиришнинг асосий манбалари сифатида тобора ортиб бормоқда. Кредитлар ҳажмининг кўпайиши, турли мулкчилик шаклидаги ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк хизматларидан кенг фойдалана бошлаши, кредит ресурсларини оқилона тақсимлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш зарурияти кредит портфелини мунтазам мониторинг қилиб боришни тақозо этмоқда. Бу нафақат





кредит бериш жараёнининг самарадорлигини таъминлайди, балки банк активларининг сифатини ҳам юқори даражада ушлаб туришга хизмат қилади.

Яна бир иқтисодчи олим Р.Махмудов ўзининг “Тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг вужудга келиши сабаблари ва ўзига хос хусусиятлари” мавзуда юзган илмий мақоласида тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг (NPL) пайдо бўлиши ва уларнинг иқтисодий тизимга таъсири чуқур таҳлил қилинган.

Махмудов ўз изланишларида муаммоли кредитлар кўп қиррали жараён эканини таъкидлаб, уларнинг сабабларини макро ва микро омиллар кесимида кўрсатиб ўтган.

- **Макроиқтисодий омиллар:** иқтисодий таназзул, инфляция, ишсизлик, фоиз ставкалари ўсиши, сиёсий-геосиёсий беқарорлик, глобал инқирозлар ва пандемиялар муаммоли кредитлар улушини оширувчи асосий хавфлар сифатида баҳоланган.

- **Микроиқтисодий омиллар:** қарз олувчининг молиявий интизоми пастлиги, тўлиқ текширув ўтказилмаслиги, гаров таъминотининг етарли эмаслиги, кредит рискларини нотўғри баҳолаш, мониторингнинг сустлиги каби ҳолатлар кредитлар сифатини пасайтиради.

Муаммоли кредитлар кўпайиши банклар капитал етарлилиги ва рентабеллигига салбий таъсир кўрсатиши, ликвидлик муаммоларини кучайтириши ва молиявий барқарорликни издан чиқариши таъкидланган. Шу билан бирга, муаллиф илмий манбалар асосида муаммоли кредитларни бошқаришнинг қатор самарали йўллари кўрсатган:

- кредит портфелини мунтазам мониторинг қилиш,
- рискларни диверсификация қилиш,
- захиралар шакллантириш,
- қарз олувчилар билан қайта шартномалар тузиш,
- норматив талабларга қатъий амал қилиш.

Муаммоли кредитлар нафақат молиявий кўрсаткичларни пасайтиради, балки бутун банк тизими барқарорлиги ва иқтисодий ўсишга хавф туғдиради. Шу боис, уларни камайтириш чоралари тизимли ва комплекс ёндашувни талаб қилади.

Банк кредит портфели мониторинги - бу ажратилган кредитларнинг қонунийликка мувофиқлиги, мақсадли йўналтирилиши ва тўлов интизомининг бажарилишини тизимли кузатиш ва таҳлил қилиш жараёнидир. У, илмий нуқтаи назардан, кредит ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган ва банкнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлайдиган мураккаб тизим сифатида қаралади.

Банк ўз мижозларининг хўжалик фаолияти ҳақида доимий равишда маълумот тўплаб боради. Бу маълумотлар асосида уларнинг кредитга лаёқатлилиқ даражаси, қарз мажбуриятларини ўз вақтида бажариши ва тўлов интизоми таҳлил қилинади ҳамда махсус “маълумотлар базаси” шакллантирилади.

Кредитлаш жараёнида банк томонидан амалга ошириладиган назорат ва





таҳлилий ишлар асосан қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

- кредит шартномаларида белгиланган талаб ва шартларнинг бажарилишини кузатиш;
- ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;
- кредитнинг белгиланган муддатларда ва тўлиқ қайтарилишини назорат қилиш;
- кредитдан фойдаланиш жараёни давомида қарз олувчи билан яқин ҳамкорликни сақлаб туриш.

Шу билан бирга, банкнинг кредит портфелини таҳлил этиш жараёни бир нечта босқичларни ўз ичига олади. Ушбу босқичлар махсус жадвалда ифодаланиб, улар орқали портфельнинг ҳолати ва ундаги хавф даражаси баҳоланади.

Тадқиқот методологик жиҳатдан илмий ёндашув асосида қурилади. Асосий мақсад – банкларда муаммоли кредитларни камайтириш йўллари жараёнини илмий-назарий ҳамда амалий нуқтаи назардан ҳар томонлама таҳлил қилиш ва унинг ривожланиш йўналишларини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мос равишда қатор таҳлил усулларида фойдаланилди. Хусусан, иқтисодий-статистик қиёслаш, илмий таҳлил ва умумлаштириш, индуктив ва дедуктив ҳулосалаш, шунингдек, мураккаб жараёнларни таҳлил қилиш ва синтез усуллари орқали масала ҳар томонлама ўрганилди.

- Иқтисодий-статистик таҳлил – муаммоли кредитлар улушининг йиллар кесимидаги динамикасини аниқлаш.

- Корреляция-регрессия таҳлили – муаммоли кредитлар билан макроиқтисодий кўрсаткичлар (GDP, инфляция, ишсизлик) ўртасидаги боғлиқликни ҳисоблаш.

Эконометрик моделлаштириш – муаммоли кредитларни шакллантирувчи омилларни математик моделлаштириш.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қуйилмалари ЯИМдаги улуши¹⁹

Кўрсаткичлари	2020	2021	2022	2023	2024
ЯИМ (трлн. Сўм)	580,2	734,6	888,34	1 066,56	1 454,57
Банкларнинг жами активлари (трлн. Сўм)	221,5	307,9	391,3	512,3	642,1
Банк активлари ЯИМга нисбатан фоизи	38%	41%	44%	48%	44%

2020-йилда Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банк молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.





ҳажми 580,2 трлн сўмни ташкил этган бўлса, тижорат банкларининг жами активлари 221,5 трлн сўмга тенг бўлган. Шу муносабат билан банк активларининг ЯИМга нисбатан улуши 38% атрофида қайд этилган.

2024-йилга келиб, ЯИМ ҳажми 1 454,57 трлн сўмга етиб, тахминан 2,5 баравар ўсган. Шу давр мобайнида тижорат банкларининг активлари 642,1 трлн сўмга етган ва натижада банк активларининг ЯИМга нисбатан улуши 44% даражасини ташкил этган. Бу эса 2020 йилга нисбатан 6 фоиз пунктга ўсишни англатади.

2020–2024 йиллар мобайнида банк активлари ЯИМга нисбатан нисбати 38%дан 44%га кўтарилиши иқтисодий ривожланиш жараёнида тижорат банклари роли ошиб борганидан далолат беради. Бу тенденция қуйидаги омиллар билан изоҳланиши мумкин:

ЯИМнинг ўсиши билан бир қаторда кредит ресурсларига бўлган талаб ҳам ортиб борди. Бу ҳолат банклар активларининг абсолют ҳажми ошишига ва нисбатан ЯИМдаги улушининг кенгайишига олиб келди.

Тижорат банклари томонидан турли тармоқларни кредитлаш ҳажми кенгайди. Инфраструктура лойиҳалари, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кредит қўйилмалари кўпайиши натижасида банк активлари сезиларли даражада ўсди.

Марказий банкнинг молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсати, кредит портфелини диверсификация қилиш, Basel III талабларига мослашиш ва риск-менежмент тизимларини кучайтириш банк активларининг сифат жиҳатдан ўсишига хизмат қилди.

Шу билан бирга, айрим йилларда муаммоли кредитлар улушининг ортиши банк активлари самарадорлигини чеклаб турди. Бироқ, 2024 йилга келиб рискларни бошқариш тизимининг ривожланиши ва кредитлар бўйича мониторинг кучайтирилиши орқали бу хавф маълум даражада камайтирилди.

Инфляция даражаси, валютанинг қадрсизланиши, ташқи бозордаги беқарорлик каби омиллар ҳам банк активлари ва ЯИМ динамикасига таъсир этди. 2024 йилда ЯИМнинг юқори ўсишига қарамасдан, банк активлари ҳажми ундан нисбатан паст суръатда ўсгани сабабли, улуши 2023 йилдаги 48%дан 44%га пасайди.

Демак, 2020–2024 йиллар таҳлили шуни кўрсатадики, тижорат банклари активларининг ЯИМдаги улуши ўсиш тенденциясига эга бўлган. Агар 2020 йилда бу кўрсаткич 38%ни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 44%га етган. Бу эса мамлакатда банк тизими иқтисодий ривожланишда муҳим роль ўйнаётганини, молиялаштиришда банклар улуши ошиб бораётганини кўрсатади.

Бироқ, 2023 йилда қайд этилган 48%дан 2024 йилда 44%га тушиш ЯИМнинг номинал ўсиши банк активлари ўсишидан юқори бўлганини англатади. Демак, банк сектори фаолиятини янада самарали йўналтириш, кредит қўйилмаларини оптималлаштириш ва муаммоли кредитларни камайтириш орқали банк активларининг иқтисодиётдаги улушини янада барқарор равишда ошириш мумкин.

1. Кредит портфелини диверсификация қилиш. Тижорат банклари





кредит қўйилмаларини турли тармоқлар, ҳудудлар ва мулк шакллари бўйича диверсификация қилиши лозим. Бу кредит рискларини камайтиради ва банкларнинг молиявий барқарорлигини оширади.

2. Скоринг тизимини такомиллаштириш. Жисмоний ва юридик шахсларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда замонавий скоринг моделларидан кенг фойдаланиш зарур. Шу билан бирга, скоринг натижаларини субъектив баҳолаш омилларидан ҳоли қилиш учун автоматлаштирилган тизимлар жорий этилиши керак.

3. Кредит аризаларини дастлабки мониторингдан ўтказишни кучайтириш. Кредит ажратишдан олдин мижознинг молиявий ҳисоботлари, қарздорлик даражаси, бизнес ҳамкорлари ва бозордаги мавқеи чуқур ўрганилиши лозим.

4. Кредитдан кейинги мониторинг тизимини кучайтириш. Ажратилган кредитлар бўйича мижознинг бизнес-режаси бажарилиши, ҳисобварағидаги маблағ айланмаси ва мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблари доимий равишда кузатилиши зарур.

5. Муаммоли кредитлар бўйича ихтисослашган бўлимлар фаолиятини кучайтириш. Ҳар бир банкда муаммоли активлар билан ишлайдиган алоҳида департамент тузиш ва унинг самарадорлигини ошириш зарур.

6. Кредит таъминотини тўғри баҳолаш ва расмийлаштириш. Таъминот предмети (гаров)нинг бозор қиймати мустақил экспертлар томонидан баҳоланиши ва унинг ҳуқуқий мақоми тўлиқ расмийлаштирилиши керак.

7. Давлат кафолати остида берилган кредитларни қайта кўриб чиқиш. Агар давлат кафолати билан берилган кредит қайтарилмаса, давлат облигацияларини чиқариш ёки акциядорлик улушини сотиш орқали уни қоплаш механизмларини жорий этиш зарур.

8. Хорижий валютада кредит беришни чеклаш. Валюта курсининг кескин ўзгариши муаммоли кредитлар ҳосил бўлишига олиб келади. Шунинг учун, хорижий валютада кредит бериш фақат экспортёрлар ва валюта тушуми барқарор мижозлар билан чекланиши лозим.

9. Бухгалтерия ҳисобини шаффоф ва аниқ юритиш. Кредит операциялари тўғри ҳисобга олиниши ва реал манзарани кўрсатиши шарт. Бу ички ва ташқи аудит жараёнларида ҳам ишончли ҳисоботни таъминлайди.

10. Кредитлаш шакллари кенгайтириш. Лизинг, факторинг, форфейтинг каби замонавий кредитлаш шакллари амалиётга кенг жорий этиш орқали кредит рисклари диверсификация қилиниши мумкин.

11. Инвестицион лойиҳаларни чуқур таҳлил қилиш. Маркетинг таҳлили, молиявий ресурслар оптимал танланиши ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар ҳақида тўлиқ маълумот йиғилиши зарур.

12. Мижозларни баҳолашда фақат классик усуллардан воз кечиш. Мижозлар классик баҳолаш тизимидан хабардор бўлгани учун кўрсаткичларни сунъий равишда яхшилаб кўрсатиши мумкин. Шу боис, альтернатив кўрсаткичлар ва замонавий рейтинг моделларини жорий этиш зарур.





13. Мутахассислар малакасини ошириш. Банк ходимлари учун кредит рисклари, муаммоли кредитларни аниқлаш ва бошқариш бўйича халқаро стандартларга асосланган мунтазам ўқув курслари ташкил этилиши лозим.

14. Ички ва ташқи назорат тизимини кучайтириш. Кредит бериш жараёнида ички аудит ва ташқи назорат механизмлари самарали ишлаши учун замонавий дастурий воситалардан фойдаланиш керак.

15. Муаммоли кредитларнинг олдини олишда халқаро тажрибани жорий этиш. Германия, Франция ва Жанубий Корея тажрибалари асосида кредит портфелининг 5%дан ортиғи муаммолига айланса, унинг бир қисмини баланسدан чиқариш ва заҳира шакллантириш амалиётини миллий амалиётга жорий қилиш зарур.

16. Рақамли технологиялардан фойдаланиш. Big Data, Artificial Intelligence ва Blockchain технологияларини жорий этиш орқали миждозларнинг молиявий интизоми ва риск даражаси ҳақида аниқ маълумот тўплаш мумкин.

17. Кредит рисклари бўйича индикаторларни доимий назорат қилиш. Миждознинг қарз қайтариш қобилияти, пул айланмаси ва қарздорлик динамикасига оид кўрсаткичлар мунтазам мониторинг қилиб борилиши керак.

18. Скоринг тизимидан суистеъмолчиликни камайитириш. Миждоз томонидан даромадни яшириш, тўловлар ҳақида нотўғри маълумот бериш каби ҳолатларни олдини олиш учун кредит бериш жараёнида автоматлаштирилган текширув тизимлари жорий қилиниши лозим.

19. Кредитдан олдинги маслаҳат хизматларини ташкил қилиш. Миждозлар учун кредитдан олдин молиявий саводхонликка оид маслаҳат хизматларини ташкил қилиш кредитларнинг сифатини оширади.

20. Таъминот предметларини ҳуқуқий жиҳатдан мукамал расмийлаштириш. Агар таъминот предмети умумий ёки улушли мулк ҳисобланса, барча мулкдорларнинг иштирокини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқини ҳужжат билан расмийлаштириш шарт

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаева, Ш.З. (2017). Банк иши. Тошкент: Иқтисод-молия.
2. Абдуллаева, Ш.З. (2002). Банк рисклари ва кредитлаш. Тошкент: Молия.
3. Азизов, У.Ў. ва бошқалар. (2016). Банк иши. Тошкент: Иқтисод-молия.
4. Дробозина, Л.А. (2000). Финансы. Денежное обращение. Кредит. Москва: ЮНИТИ.
5. Жарковская, Е.П. (2006). Банковское дело. Москва: Омега-Л.
6. Кирьянов, М. (2009). Зарубежный опыт работы с проблемными кредитами. Банковское дело, №1, 66–68.
7. Ковалев, П.П. (2009). Банковский риск-менеджмент. Москва: Финансы и статистика.
8. Лаврушин, О.И. (2013). Банковское дело. Москва: Кнорус.
9. Лаврушин, О.И. (2009). Банковский менеджмент. Москва:





Финансы и статистика.

10. Fraser, D., Gup, B. & Kolari, J. (1995). Commercial banking: The Management of Risk. St Paul, MN.
11. Абдуллаева, Ш.З. (2000). Банк рисклари шароитида кредит портфелини диверсификациялаш. Докторлик диссертацияси. Тошкент.
12. Бердияров, Б.Т. (2002). Тижорат банклари активларининг даромадлилиги. Автореф. Тошкент.
13. Тухтабоев, У.А. (2007). Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Автореф. Тошкент.
14. Ozili, K. & Outa, E. (2017). Bank loan loss provisions research: A review. Istanbul Review, 17(3), 144–163. ScienceDirect.
15. Boudreault, M., Gauthier, G. & Thomassin, T. (2015). Estimation of correlations in portfolio credit risk models based on noisy security prices. Journal of Economic Dynamics and Control, 61, 334–349. ScienceDirect.
16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. <http://www.cbu.uz>

